O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

«Фарзандлари келажагини ўйлаб яшаш — ўзбек миллатига хос фазилат.»

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2007-yil • 24-may • Payshanba • 61 (27.706) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Сизни Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги билан чин қалбдан табриклашга ижозат этгайсиз.

Шарқ ва Ғарб цивилизациялари туташган чорраҳада жойлашган ҳамда ЮНЕСКО томонидан Умумжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган Самарқанд Буюк Ипак йўли даврида жаҳоннинг энг йирик савдо, фан ва маданият марказларидан бири бўлган.

Япония учун Буюк Ипак йўли цивилизациясини очган Самарқанднинг шонли тарихи бугунги кунда ҳам япон халқи қалбига зиё бахш этиб турибди.

Ўтган йили август ойида мен Ўзбекистонга ташриф буюрган эдим. Самарқанднинг тарихий ёдгорликлари, айниқса Регистон майдони ва Бибихоним масжиди ўз маҳобати билан менда унутилмас таассурот қолдирди.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига бағишланган тантанали маросимларни ўтказишда улкан ютуқлар, Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги дўстлик алоқаларининг янада ривожланиши ва мустаҳкамланишини тилаб қоламан. Халқларимизни қадим замонлардан мустаҳкам дўстлик ришталари ўзаро бирлаштириб келган.

Ишончим комилки, бу боқий шаҳарнинг юбилейига бағишланган тантанали маросимлар бутун дунё халқларининг қадимий Самарқанднинг гўзаллиги ва маҳобатидан янада кенгроқ баҳраманд бўлишига хизмат қилади.

Камоли эҳтиром билан,

Дзюнъичиро КОИДЗУМИ,
Японияннинг собиқ Бош вазири

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноблари!

Сизни буюк воқеа — Ўзбекистоннинг қадимий гавҳари Самарқанднинг 2750 йиллиги билан чин қалбдан табриклайман.

Шарқ дурдонаси номини олган, кўплаб ноёб тарихий обидалари билан машҳур Самарқанд бутун инсониятнинг бебаҳо бойлиги сифатида 2001 йили Умумжаҳон маданий мероси рўйхатидан жой олди. Ушбу 2750 йиллик шаҳарнинг ноёб мероси ҳақиқатан ҳам бебаҳодир. Ишончим комилки, дунё халқлари ҳали кўп замонлар Самарқандни кўриб ҳайратга тушадилар.

Сиз, Жаноби Олийлари раҳнамолигида ҳаётбахш ислоҳотларни изчил амалга ошираётган ва иқтисодий тараққиёт йўлидан қатъий бораётган, ўз миллий маданиятини асраб-авайлаб келаётган Ўзбекистон халқига самимий эҳтиромимни изҳор этаман.

Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги дўстлик муносабатларини мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатларингиз учун изҳор этаётган самимий миннатдорлигимни қабул қилгайсиз. Сиз, Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик ва хотиржамлик, Ўзбекистон халқига эса янада юксак фаровонлик тилайман.

Камоли эҳтиром билан,

Кёко НАКАЯМА,
Япония Бош вазирининг маслаҳатчиси

ЎЗБЕК ТАЛАБАСИ — ХАЛҚАРО ТАНЛОВ ҒОЛИБАСИ

Жанубий Кореянинг Кёнг Хи университетида хорижликлар учун корейс тили бўйича халқаро танлов бўлиб ўтди. У «Оила» ва «Корейс маданияти билан танишиш тажрибаси» мавзулари бўйича ўтказилди. Тадбирда жаҳоннинг 27 мамлакатидан вакил бўлган 873 нафар қатнашчи, жумладан, Кёнг Хи университетида таҳсил олаётган чет эллик талабалар ҳам иштирок этди.

Кёнг Хи университетининг ўзбекистонлик талабаси Наталья Ким «Оила» мавзуи йўналишида танлов ғолиблигини қўлга киритиб, Корея Республикаси маданият ва сайёҳлик вазирлигининг қимматбаҳо совғасига сазовор бўлди.

Мазкур университетнинг Интернет нашрида таъкидланганидек, танлов давомида томошабинлар беллашув иштирокчилари томонидан намойиш этилган турли мамлакатларнинг миллий либосларини кўриш имкониятига ҳам эга бўлдилар.

Корейс тили бўйича мазкур халқаро танлов 1446 йили хангыл корейс ёзувини амалиётга киритган қирол Сежоннинг туғилган куни хотираси шарафига Кореяда яшовчи ва таҳсил олувчи чет эллик фуқаролар учун ўтказиладиган анъанавий анжуман тусини олган. Бу йил ушбу танлов ўнинчи маротаба ўтказилди.

«Жаҳон» АА
Сеул

❖ **Маҳсулот ўзимизники, Ўзбекистонники!**

ҚУЛАЙ ВА СИФАТЛИ ПОЙАБЗАЛЛАР

Пойтахтдаги «Ўзбекчармпойабзали» уюшмасига қарашли Тошкент «Пойабзалчи» очиқ турдаги акциядорлик жамияти сўнгги йилларда ўзининг бежирим маҳсулотлари билан харидорлар эътиборини тортмоқда

Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат

— Шу кунларда ҳар хил турдаги 60 хилдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқармоқдамиз, — дейди корхона раҳбари Маҳсуд Миробидов. — Айни пайтда корхонада 80 нафар ишчи меҳнат қилаётир. Иш кунимиз аниқ режа асосида ташкил этилган. Шу боис фаолиятимиз кундан-кунга ривожланаяпти. Авваллари пойабзал учун тагчарм ва қолипларни Россиядан келтирар эдик. Эндиликда фақаттина тагчармнигина четдан олаяпмиз. Пойабзалнинг устки қисми ва қолип тайёрлашда маҳаллий корхоналар маҳсулотидан фойдаланяпмиз. Биз аввало, бозор талаби, харидорнинг диди, эҳтиёжини ўрганяпмиз. Бу эса ўз навбатида маҳсулотнинг рақобатбардошлигини таъминлаяпти.

Ўтган йили олти юз эллик миллион сўмлик ана шундай сифатли пойабзалларни ишлаб чиқарган корхона ишчиларининг ойлик маоши ҳам ошди. Жорий йилда эса бу ерда 850 миллион сўмлик, арзон ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштирилган.

Бардамбек САЪДУЛЛАЕВ

Суратларда: *корхона тикувчиси Дилдора Рашидова; тайёр маҳсулотлардан намуналар.*

❖ **Акс-садо**

ИМКОНИМИЗ КАТТА

САЛОҲИЯТ ҲАМ ШУНГА ЯРАША БЎЛАДИ

дейди «Гурлантекс» акциядорлик жамиятидаги ҲДП бошланғич ташкилоти раиси, инженер-технолог Нигора ҲАЙИТМЕТОВА

Юртбошимизнинг корхонамизга ташрифи ишчи-хизматчиларимиз ҳаётида жуда катта ва унутилмас воқеа бўлди. Мутахассислар, ишчилар, айниқса, ёшлар билан қилган самимий суҳбатлари ҳаммамизни тўлқинлантириб юборди. Бамисоли ўша куни 31,5 гектарлик майдонни эгаллаган барча ишлаб чиқариш мажмуаларимизда худди байрамлардагидек кўтаринки кайфият туғилди. Хусусан, Президент корхонамизни қуришдан мақсад ва муддаони аниқ қилиб тушунтириб берганларида очиғи, шундай масканда ишлаётганимиздан фахрланиб кетдик.

— «Бундай йирик корхоналарни қуришдан мақсад, — дедилар у киши, — аввало жаҳон андазаларига мос маҳсулот ишлаб чиқариш орқали аҳолини иш билан таъминлаш, халқимизнинг турмуш даражасини янада юксалтиришдан иборат. Ҳар бир корхонанинг имкониятлари унинг экспорт салоҳияти билан баҳоланади...»

Демак, биз эндиликда дунё бозорига чиқамиз ва шаксиз унда ўз ўрнимизга эга бўламиз. Зеро, корхонамиз учун 27 миллион АҚШ долларига тенг инвестиция бежиз жалб этилгани йўқ. Йилига 4,5 минг тонна пахтани қайта ишлаб, 3,41 минг тонна хом трикотаж, 12 миллион дона тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш имконига эга бўлаяпмиз, ахир. Ип йигирув ва тўқув цехларимиз энг замонавий дастгоҳлар ва компьютерлар билан жиҳозланаяпти. 1200 нафар ишчи-муҳандисларимизнинг (69 фоизи хотин-қизлар) меҳнатга муносабати кескин ўзгариб, иш унумдорлиги қун сайин кўтарилмоқда. Манфаатдорлик ҳам шунга яраша бўлаяпти. Кўп ўтмай бўяш, тикув цехларимиз ҳам ишга тушади ва яна 200 дан зиёд янги иш ўрни яратилади.

Давлатимиз раҳбари корхонамизда ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар, реконструкция ишлари ва умуман ислоҳотларнинг бориши билан танишибгина қолмай, ишчи-хизматчиларга яратилган шарт-шароитлар билан ҳам қизиқдилар. Уни янада яхшилаш юзасидан берган тавсиялари, бир сўз билан айтганда, кўнглимизни беҳад кўтариб юборди. Катта имконимизга яраша ишлаб чиқариш салоҳиятимизни, хусусан, экспорт салоҳиятимизни тобора ошириб боришга бўлган иштиёқимиз кучайди. 24 нафар ҲДП аъзосини бирлаштирган бошланғич ташкилотимиз атрофидагилар ҳам «Имконимиз катта, салоҳият ҳам шунга яраша бўлади» — деган ишонч билан меҳнат қилишмоқда.

❖ **Муносабат**

УЙДА ТИНЧИ БЎЛСИН...

йигитнинг, деган ҳикматли сўзлар замирида оила бутлиги, тинчлиги, қадр-қиммати ётади

Оила жамиятнинг асосий бўғини эканлиги ҳаммамизга аён ҳақиқат. Ва табиийки, бу қатламнинг бугуни ва эртаси ҳар доим жиддий эътиборни талаб қилади. Шу маънода кечагина мамлакатимиз Президентининг **«Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**ги Фармони ана шу ғамхўрликнинг яна бир ҳаётий намунаси бўлди. Ушбу Фармон матбуотда эълон қилинган кунининг эртаси қувалик Қамбарали ота таҳририятимизга қўнғироқ қилиб, кўнглидаги самимий дил изҳорларини шундай баён этди: *«Мен Юртбошимизнинг ёш оилаларга оталарча кўрсатаётган меҳрибончиликларининг навбатдаги, яна бир амалдаги исботини эшитиб, бошим осмонга етди. Нега десангиз, бир пайтлар менинг ўғлим пойтахтда ўқиб юрганида илмга чанқоқлигини сезган устозлари институтда олиб қоламиз, дейишди. Ўша йили раҳматли кампирим шоширгани учун уйлаб ҳам кўювдим. Энди фарзандли бўлганида кўргани борсам, «ота, ўзим-ку қийналяпман, менга қўшилиб келинингиз ва энди неварангиз ҳам қийналяпти. Устига устак ҳаливери уй ҳам ололмайман. Яхшиси, қишлоққа қайтиб кетайлик»,* — деб қолди. Ноилож, уйга қайтдик, институт ҳам қолди, илм ҳам қолди. Ҳали-ҳали армон қиламиз ота-бола. Мана, бўлар экан-ку, шундай савобли ишларни қилса?! Шундай замонлар ҳам келар экан. Буям ёшларимизнинг бахти кулгани, деб ўйлайман».

Аслида ҳар бир оиладаги маънавий мезонни белгилаб берувчи куч — ана шу оиладаги аҳилликкa боғлиқ. Аҳиллик, тотувлик қандай пайдо бўлади? Бу эса аксарият ҳолларда ёш оилаларни кўпроқ ўйлантираётган муаммолардан бири. Яъни икки ёшнинг бир-бирини тушуниши ва англаши учун кўпинча иқтисодий ва ижтимоий омиллар ҳам муҳим ўрин тутади. Бу борада исталганча мисоллар келтириш мумкин: Олайлик, бир ой аввал тўйлари бўлган келин-куёвнинг елкасига аста-секинлик билан ўзларининг миттигина рўзғорлари ташвиши туша бошлайди. Тўғри-да, энди қачонгача барча фарзандларини уйлаб-жойлаган ота-онасига осилиб яшайди? Ўзлари — эр-хотин мустақил равишда рўзғор аравасини тортишлари керакми? Албатта. Худди ана шундай, эндигина катта ҳаёт йўлига қадам қўяётган ёш оилалар учун жиддий синовлар сифатида кўрилаётган масалаларга бевосита Президентимиз Фармонида алоҳида эътибор қаратилган.Яъни ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш ҳамда меҳнат фаолиятини бошлаш билан бирга мустақил ҳаётга қадам ташлаётганида уларга керакли ёрдамларни кўрсатиш муҳим эканлиги таъкидланган. Шунингдек, уларнинг барқарор даромад манбаларини шакллантириш механизмлари ва амалий жиҳатдан рағбатлантириш омилларини яратиш ҳам Фармонда кўзда тутилган асосий мақсадлардан биридир.

Шу ўринда яна айрим юртдошларимиз эътироф этаётган жиҳатларга тўхталамиз: Тошкент молия институтининг магистранти Самариддин Элмирзаев шундай дейди: *«Бу Фармонни ўқигач, шахсан ўзимни ўйлантириб юрган айрим оғриқли саволларга жавоб топдим. Нега десангиз, чунки мен ҳали уйланганим йўқ ва бу борада ўзимни ҳали мустақил оила қуришга тайёрман, деб ўйламасдим. Сабаби, айнан уй-жой масаласи мен учун катта муаммолардан бири ва усиз эртанги мустақил рўзғор тебратишимни тасаввур ҳам қилолмайман. Бир тарафда илмий фаолият юритаяпман.Ўйлайманки, ушбу Фармондан кўзланган асосий мақсад ҳам менга ўхшаган ёшларнинг эртанги тақдирини ўйлаб, янги қурилаётган оилаларда энг аввало ғурур ва масъулият ҳиссини янада кучайтиришдан иборат».*

2-бет

❖ **ЎзХДП: устувор вазифалар**

САМАРАСИЗ ИШЛАШДАН ВОЗ КЕЧИШ ЛОЗИМ

Кеча Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси Латиф Ғуломовнинг Тошкент вилоят партия ташкилоти фаоллари билан учрашуви бўлиб ўтди.

Унда партия маҳаллий ташкилотлари ва депутатлик тузилмаларининг «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурини амалга ошириш, Республикамиз Президентининг яқинда қабул қилинган «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижросида иштирок этиш каби масалалар бўйича вазифалари муҳокама этилди.

Мулоқотда бугунги кун Ўзбекистон ХДП барча ташкилотлари, депутатлик гуруҳларидан масъулият билан ишлашни ва иш самарадорлигини оширишни талаб этаётгани таъкидланди. Бинобарин, пойтахт вилоятидаги партия кенгашлари, депутатлик тузилмалари шунга муносиб равишда ҳаракат қилишлари лозим. Бунинг учун Тошкент вилоят партия кенгашининг партиямиздаги ўрта бўғин — туман, шаҳар ташкилотлари фаолиятини йўналтиришда мувофиқлаштирувчилик ролини кучайтириш, бу борада аниқ тадбирлар ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқдир.

Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларидаги ЎзХДП вакиллари олдига қўйилаётган бугунги вазифалар, дейилди учрашувда, долзарб ижтимоий масалалар ечими хусусида аниқ ташаббуслар билан чиқиш ва бу борада масъулиятни оширишдан иборат. Барча партия ташкилотларини эса ташкилий-сиёсий жиҳатдан мустаҳкамлашга, электорат билан ишлаш самарадорлигини оширишга, партия қуйи бўғинларига ахборот-услубий кўмак кўрсатишга эътиборни кучайтирмоқ зарур. Бу вазифалар, шунингдек, вилоят, туман, шаҳар кенгашларининг «Истиқбол» ёшлар ва «Фаол аёллар» қанотлари ташаббускорлиги, ишчанлигини жиддий тарзда фаоллаштиришни талаб этади.

«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурининг асосий объекти, дейилди учрашувда, — аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатлами, яъни ЎзХДП электоратидир. Шу боис бошланғич ташкилотлар эътиборини фақат ички партиявий масалаларга эмас, балки электорат манфаатларига қаратилган ташаббусларга кўрсатишга қаратиш талаб этилади.

Мулоқот давомида ЎзХДП пойтахт вилояти фаоллари ва депутатлар ишининг самарадорлигини ошириш, бунинг учун тегишли чора-тадбирларни кўриш хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди ҳамда қўйилган вазифаларни ҳал этишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

ФОЙДАЛИ МЕҲНАТ БИЛАН БАНДЛИКДИР

Ўзбекистон ХДП Дастурида банд бўлмаган аҳолини иш билан таъминлаш масалалари алоҳида белгилаб қўйилган. Шунинг учун ҳам ушбу дастурий мақсадлардан келиб чиқиб ЎзХДП ташкилотлари жойларда бандлик масалаларига доир турли тадбирларни амалга ошириб келяпти. Айниқса, бу борада меҳнат бўлимлари билан алоқалар яхши самара бераяпти. Яқинда пойтахтимизнинг Учтепа тумани Ал-Хоразмий номли маҳалласида ўтказилган бўш иш ўринлари ярмаркаси ана шундай ҳамкорликнинг бир кўриниши бўлди.

Анчадан буён уйда ўтиргандим, — дейди мазкур маҳаллада истиқомат қилаётган Маъпура Аҳмаджонова. — Бу ердан эса ўзимга мос келадиган иш топдим. Ҳатто уйда ўтириб ҳам буюртмани бажариш, шунга яраша ҳақ олиш мумкин экан.

— Маҳалламизда 8 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади, — дейди маҳалла оқсоқоли Воҳид Исомуҳаммедов. — Улар орасида меҳнат билан банд бўлмаганлари ҳам бор. Бугун кўпчилик ўзига муносиб иш топиш имкониятига эга бўлди. Ҳатто ён-атрофдаги маҳаллалардан ҳам фуқаролар меҳнат ярмаркасига келишаяпти.

— Туманимизда 3506 нафар меҳнат билан банд бўлмаган аҳоли бор, — дейди Учтепа туман меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи Тозагул Акрамова. —Биз имкон қадар уларнинг барчасини иш билан таъминлашга ҳаракат қилаяпмиз. Бугун ярмаркада туманимиз бўйича 16 та корхона ва ташкилотлар 591та бўш ўринлар билан иштирок этаяпти. Бундан ташқари қизиқувчиларга шаҳар миқёсидаги идораларда мавжуд ўринлар ҳақида ҳам маълумотлар берилмоқда.

Бундай тадбирларни ташкил этишда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Учтепа туман кенгаши билан яқиндан ҳамкорлик қиламиз. Чунки, бу партия бизнинг фаолиятимиз билан ҳар доим қизиқади.

Беҳзод ШУКУРОВ

❖ Партия матбуоти

ДАСТУРИЙ МАҚСАД ВА ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси маҳаллий нашрлари бугун қай даражада фаолият кўрсатмоқда? Уларда эълон қилинаётган мақолалар партиянинг дастурий устувор йўналишларини кенг тарғиб қилиш, электорат манфаатини ифодалаш ва ҳимоялаш, партия ташкилотлари, маҳаллий Кенгашлардаги ЎзХДП депутатлари гуруҳлари фаолиятини ёритиш борасидаги ишларнинг самарадорлиги қандай? Биз бу каби саволларга ЎзХДПнинг маҳаллий матбуот нашрлари — «Халқ йўли», «Халқ иродаси» «Эфирда Қашқадарё», «Қарақалпақстан хаўази» газеталарининг бу йилда дунё юзини кўрган сонларини таҳлил этиб, жавоб топишга ҳаракат қилдик.

«ХАЛҚ ЙЎЛИ»

Ўзбекистон ХДП Сурхондарё вилоят кенгаши муассислигида чоп этилаётган мазкур газета воҳада ўз ўқувчисига эга нашрлардан бири. Сўнгги пайтларда газетада долзарб мавзуларда таҳлилий мақолаларга алоҳида эътибор берилмоқда. «Автобуссиз шаҳар ёки Термиз шаҳрида аҳолига транспорт хизмати кўрсатишдаги муаммолар ҳақида», «Ун заводидаги қаллобликлар», «Лойиҳачиларга эътирозлар бор» номли мақолалар бунга мисол бўла олади.

Бундай мақолалар жойлардаги камчиликларни бартараф этишга ёрдамлашади, газетанинг нуфузини оширади, албатта.

Газетанинг 23 январдаги сонида халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раиси Абдукарим Аҳмедов билан «Депутат эл дарди ва ташвиши билан яшаши шарт» сарлавҳали суҳбатни эътиборга лойиқ дейиш мумкин.

Таҳлиллар кўрсатмоқдаки, партиянинг мафкуравий йўналиши, ижтимоий сиёсати масалалари, «Истиқбол» ёшлар, «Фаол аёллар» қанотлари фаолиятига етарлича эътибор берилмаяпти. Шунингдек, газетада партиянинг вилоятдаги туман ва шаҳар кенгашилари бошланғич ташкилоти ёки бугун кўпчиликнинг ишончига сазовор бўлиб бораётган Жамоатчилик қабулхоналари фаолияти ҳақида ҳам материаллар мунтазам бериб борилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки партия ташкилотлари, партиямиз электорати манфаатини ҳимоя қилувчи материаллар нашрларимизнинг ҳар сонида бўлмоғи лозим.

«ХАЛҚ ИРОДАСИ»

Бу нашр Наманган вилоятида ЎзХДП аъзолари, электорат вакиллари учун муҳим минбарга айланиб бораяпти, дейиш мумкин. Газета саҳифаларида ижтимоий-сиёсий, таҳлилий-танқидий ва партия ҳаётига оид қатор мақолалар эълон қилинмоқда. Хусусан, «Мен ХДПни танладим», «Унутилмас лаҳзалар», «Бошланғич ташкилотлар», «Депутатлар мурувватти», «Самимий мулоқот» каби мақолалар газетхонга партиямиз ҳаёти, дастурий мақсад ва вазифалари, амалий ишлари ҳақида тушунча беради. «Фаолиятимизнинг ҳуқуқий механизмлари» сарлавҳали мақолада эса ХДПнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўрни, олдига қўйган вазифалари ҳақида сўз боради.

Бироқ, газета саҳифаларида берилаётган айрим суратларнинг сифатини яхшилаш, мақолаларни имкон қадар ихчамроқ шаклга келтириш зарур, деган фикрдамиз. Шу билан бирга, нафақат яхши ишлаётган партия кенгашлари балки ўз вазифасини бажаришда сусткашликка йўл қўяётган партия ташкилотлари, депутатлик гуруҳлари, Жамоатчилик қабулхоналари ҳақида ҳам таҳлилий чиқишлар ташкил қилинса яхши бўларди.

«ЭФИРДА ҚАШҚАДАРЁ»

Вилоят партия кенгаши муассислигида чоп этилаётган мазкур нашр партия ҳаётини изчил ёритиб келмоқда. «Муштарак мақсад сари», «Ижтимоий ҳимоя тизими» каби мақолаларда ЎзХДП электорати манфаатига хизмат қиладиган, айни пайтда долзарб бўлиб турган ижтимоий масалалар ҳақида фикр юритилган. Газетанинг сўнгги саҳифасида мавзулар ранг-баранглиги, машҳур кишилар билан суҳбатларнинг бериб борилаётгани ўқувчилар эътиборини тортаётгани табиий.

Шу ўринда таҳлил давомида кузатилган айрим камчиликлар ҳам айтиб ўтилса, фойдадан холи бўлмайди, деб ўйлаймиз. Биринчидан, нашрнинг босма сифатини яхшилаш, суратлардан кўпроқ фойдаланишни йўлга қўйиш зарурга ўхшайди. Иккинчидан, жойлардаги депутатлик гуруҳлари, Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятини ёритишга кўпроқ эътибор берилса, газетанинг партиявий руҳи янада кучайган бўларди.

«ҚАРАҚАЛПАҒСТАН ҲАЎАЗИ»

Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика ташкилотининг мазкур нашри ўз саҳифаларида партия ташкилотлари, партиядан сайланган депутатларнинг фаолияти ва ижтимоий-сиёсий мавзуларга кенг ўрин ажратиб келмоқда. Хусусан, «Миллий ғоя ва ЎзХДП мафкураси», «Масъулият ошади», «ХДП учун энг аҳамиятли йўналишлар» каби материаллар шулар жумласидандир.

Афсуски, газета саҳифаларида берилаётган материалларнинг ҳажми анча катта. Саҳифалар дизайнига эътибор зарур. Суратлардан деярли фойдаланилмаётгани, борлари ҳам анча сифатсизлиги сабаб нашрнинг қиёфаси бирмунча кўримсиз.

Ҳусниддин БЕРДИЕВ

Ўзбекистон ХДП вилоят кенгашлари нашрлари сўнгги пайтларда анчайин жонлангани, партия ҳаётига оид мавзулар кўпайиб бораётганини қайд этиш баробарида уларнинг барчасида бир хил камчилик мавжуд: ХДП электоратига эътибор етарли эмас. Жамоатчилик қабулхоналари, маҳаллий Кенгашлардаги ЎзХДП депутатлик гуруҳлари фаолияти талаб даражасида ёритилмаяпти. Ушбу масалаларга қанча кўп эътибор берилса, партиямиз нашрларида партиявий позиция қанча аниқ бўлса, электорат манфаатига хизмат қилувчи мақолалар изчил йўлга қўйилса, ишимиз шунча самарали бўлади.

Ўтган 2006 йилда «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси томонидан 145 минг дона автомашина ишлаб чиқилди. Бунда ЎзХДПдан Кўқон шаҳар Кенгаши депутати Одинахон Дўстматова рахбарлик қилаётган «Кўқонмаш» машинасозларининг ҳам ҳиссаси бор.

«ЎзДЭУавто» УЧУН ЯНГИ МАҲСУЛОТ

яна бир механизм «Кўқонмаш»да ишлаб чиқарилади

«Кўқонмаш» акциядорлик жамиятида ишчи-хизматчиларга қулай шарт-шароитлар яратиш, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш ишларига катта эътибор берилаяпти. Шу боис машинасозларнинг меҳнат фаолликлари ва ижодий ташаббускорлиги ортаяпти.

Жамоа маҳаллийлаштириш дастурига асосан бир неча йилдан буён Асакадаги «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасига бутловчи қисмлар етказиб беради. Бугунги кунда бундай маҳсулотлар тури 30 тадан ошди. Шу кунларда «Матиз» машинаси учун ойна кўтаргич механизмини ишлаб чиқариш ўзлаштирилмоқда. Жами 26 деталдан иборат механизмнинг илк намунавий нусхаси тайёрланиб, синовдан муваффақиятли ўтди.

Мухтор СУЛАЙМОНОВ

❖ Муносабат

УЙДА ТИНЧИ БЎЛСИН...

(Давоми. Боши 1-бетда)

Пойтахтликлар орасида ўша машҳур «Суюнчи» киносидаги ижобий маънода «ҳамманинг тинчини бузадиган» Анзират кампирнинг худди ўзи, дея эътироф этилган ва саксондан ошсада, ҳамон одамларга яхшилик, эзгулик улашиб чарчамаётган Мирзо Улуғбек туманидаги «Яланғоч» маҳалласи фаоли Адиба ая Магзумованинг ушбу сўзларига эътибор беринг: *«Президентимизнинг яқиндагина яъни Хотира ва Қадрлаш кунида аввало ўтган ота-боболаримиз руҳларини шод этиб айтган ҳикматли сўзларини тинглаб, қанча дуолар қилдим. Айниқса менга ўхшаган кекса нуронийларнинг иззат-ҳурматини жойига қўйиб, бизларни фариштага қиёслаб, бундай мўътабар инсонларни бошимизга кўтариб яшашимиз жуда муҳим, деганларини эшитиб, кўзларимга ёш келди, болам. Кеча неварам бир газет кўтариб келди. Ўқисам, яна бир Фармон берибдилар ёшларга атаб. Яна дуо қилдим, айланай. Мени ўзим бир умр юртимнинг тоғлари-ю қиру адирларини кезиб чиққан геологман асли. Шу Фармоннинг бир жойини ўқиб ёшларгаям айтадиган бир насиҳатим бор мининг: «Болажонларим, сизларнинг тақдирингизни ўйлаб, нурли эртангиз учун қайғуриб, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш учун ҳукумат 50 миллиард сўм ажратибди! Бу айтишга осон, ҳазилакам пул эмас. Сизлар ҳам бу ғамхўрликка яраша меҳнат қилинг, шу юртга, шу Ватанга содиқ бўлинг.»*

Албатта, мазкур Фармонда энг муҳим вазифа сифатида белгилаб берилганидек, давлат ҳокимияти ва хўжалик бошқаруви органлари, тижорат банклари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маънавият» тарғибот маркази... хуллас, барчага катта масъулият юклатилди. Айтиш мумкинки, бу Фармон замирида бугун бир дунё ёруғ ният ва умидлар билан мустақил ҳаётини бошлаётган ёшларга ҳар жиҳатдан кўмак бериш, уларнинг рўзғорларига файз-барака, тўкинлик олиб кирилишини қўллаб-қувватлашга рағбат бор.

Замондошларимиздан бири — Бектемир туманидаги ФҲДЁ бўлими мудири Холида Акромова таъкидлаганидек: *«Ҳар бир инсоннинг бахти ҳам, камоли ҳам энг аввало, унинг оиладаги тинчлиги билан ўлчанади. Шундай экан, ҳар бир оиланинг фаровонлиги, рўзғорининг бутлигини белгиловчи омиллар бор. Булар бевосита ва билвосита ёш оиланинг ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан рағбатлантирилишига боғлиқ. Табиийки, ҳар бир оила аввал бошда айрим қийинчиликларга дуч келади. Уйжой муаммоси, мустақил фаолият юритиш ва тадбиркорлик билан боғлиқ масалаларда турли мушкулликларни бошдан кечиради. Ана шундай пайтда оилада айрим тушунмовчилик ва аксар ҳолларда эр-хотин ўртасида «сен-мен»га бориш ҳолларим учрайди. Агар аввало ота-она ва яқинлари, маҳалла-кўй томошабин бўлиб, уларга кўмаклашмаса, оқибати хайрли тугамайди. Мен ўйлайманки, Президентимизнинг ушбу Фармонларида ёш оилаларни ўйлантираётган ана шундай муаммолар ечимини қай йўсинда топиш учун йўл-йўриқлар ҳам аниқ кўрсатиб берилган».*

Демак, мустақил Ватанимизда яшаётган ҳар бир фуқаронинг келажаги ва тақдирини ўйлаб эълон қилинган ушбу ҳаётбахш ҳужжат энг аввало юртимизда ёш авлодни, қолаверса, катта ҳаёт бўсағасидан ҳатлаётган ёш оилаларни давлат миқёсида қўллаб-қувватлаш узвий ҳамда мантиқий равишда давом этаётганини яна бир бор исботлайди. Зеро, яна ўша, биз сўзимиз аввалида эслаган халқона битикда қуйланганидек, ниятимиз битта: У ҳам бўлса «Уйда тинчи бўлсин йигитнинг». Ана шу биргина сатр сизу бизнинг оиламиздаги бахтни, саодатни белгилаб беради.

Норқобил ЖАЛИЛ.

❖ Тажриба

МЕҲНАТ ҚИЛГАН РОҲАТ КЎРАДИ

ЁКИ ЧИРОҚЧИНИНГ ҚИР-АДИРЛАРИДА ИССИҚХОНА ҚУРИБ, МЎЛ ҲОСИЛ ЕТИШТИРИБ, МИЛЛИОНЛАБ ДАРОМАД ОЛАЁТГАН ВА ЯНГИ-ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРАТАЁТГАНЛАР ҲАҚИДА

Сиз Кўкдала қир-адирларини кўрганмисиз? Олдингисидан бугунгисининг фарқи катта. Илгариги хўжаликлар улкан майдонларга фақат лалми ғалла экар ва кузак ҳамда баҳор кезлари ёмғир яхши бўлсагина 18-20 центнерча ҳосил олишарди. Ва яна бир неча минг қорақўл қўй-қўзилар боқиларди. Ҳозир ўша қир-адирлар ўрнида қордай оппоқ тўшамаларга кўзингиз тушади. Улар қишда уруғи ташланган экинлар устига ёпилган плёнкалар бўлиб, мазкур ниҳоллар бугун авж билан гуллаб, айни ҳосилга кирмоқда...

— Мана шу Кўкдалада ўтган йили бир деҳқон «КамАЗ»га ортилган эртаги тарвузини 7 миллион сўмга пуллаганига ўзим гувоҳман, — дейди тумани ҳокими Нурулло Қаюмов. — Ўз меҳнатининг маҳсули. Ҳалоли бўлсин...

Туман ерларининг бир қисми Қашқадарё, бир қисми Зарафшон дарёсидан сув ичади. Ер тузилиши ноқулай. Аммо узоқ йиллар қир-адирлар бағрида қарор топган қишлоқларда бугун деҳқончиликнинг янги тури — янгича тажриба вужудга келгани рост гап.

— Ҳа, бугун Чироқчида деҳқончиликнинг янгича тажрибаси пайдо бўлди, — дея ҳикоя қилади ўз хўжалигидан мўл ҳосил олиб келаётганлардан бири Қурбон Аҳмедов. — Кейинги уч-тўрт йил ичида кузда ёмғир кам бўлгани туфайли ер ҳайдаш, лалми дон экиш қийинлашиб кетди. Бунинг устига лалми буғдойдан ёмғир ёғмаса, мўлжалдагидек ҳосил кутишнинг ҳожати бўлмай қолади. Биргина ўтган йилни олсак, лалмида ҳам, сувли ерда ҳам яхши дон битмади. Қўй-қўзиларнинг анчагина қисмини одамлар боқиш мушкуллигидан бошқа вилоятларга сотиб юборишди...

— Ўтган йили одамлар суғорма деҳқончилик яхши бўлган қўшни туманлардан бир тележка сомонни 30-40 минг сўмга сотиб олишган экан, — дейман унинг гапини бўлиб. — Умуман, бундай катта ва сувсиз қир-адирларда ризқ топиш осонми ўзи?

— Иложи йўқ нарсанинг ўзи йўқ, — кулди у. — Масалан, ўзимни олай. Узоқ йиллар туманда уруғчилик бўйича агрономлик қилиб, нафақага чиқдим. Оиламизда ўғил-қиз, набираларим билан бирга 14 жонмиз. Уларнинг нон-насибасини ўйлаб, 260 квадрат метр жойда иссиқхона қурдим. Қиш кунлари плёнкани қўшқават қилиб ёпамиз. Кўпроқ гўнг соламиз. Ўтган йили эртаги помидор сотиб, 2 миллион сўмдан зиёд даромад қилдик. Меҳнат қилсангиз, баракасини Яратганнинг ўзи етказиб тураркан. Қишлоқдошимиз Қулмахмат Соатов ҳам бултур 1,5 миллион сўмдан ошириб фойда кўрди. Туманимизда ҳозир бундай иссиқхоналар юзлаб қурилган. Ихчам, оддий ва рўзғорга барака...

Очиғини айтсам, плёнкадан фойдаланиш бизда анча илгари бошланган, — давом этди у. — Юртбошимиз Қашқадарё вилоятида раҳбарлик қилган кезларда илк бор 50 тонна плёнка келтирилиб, эртаги сабзавот маҳсулотлари етиштириш йўлга қўйилувди. Ўшанда Китоб, Шаҳрисабз, Қарши туманлари деҳқонлари плёнка остида етиштирилган эртанги помидор, бодринг, карам ва бошқа ноз-неъматлардан яхшигина даромад олишди. Мустақиллик йиллари бу иш истиқболлари янада кенгайиб, Чироқчида ўзига хос тажриба орттирилди.

Дарвоқе, илгари туманда ғалласи ўриб олинган лалми ерларда кеч кузга қадар мўл-кўл тарвузлар ҳам етиштириларди. Ҳозир ҳам бу адирларнинг лалми тарвузлари қиш бўйи эл дастурхонини безаб турибди. Тадбиркор деҳқонлар шароитдан келиб чиқиб, деҳқончиликни қишдаёқ бошлашни ўрганиб олишди. Юзлаб, минглаб гектар ерлар ва хусусий томорқаларда пленка остида тарвуз, бодринг, помидор, карам, картошка етиштирилмоқда. Айни февраль ойида тупроққа уруғ ташлаб, май ойи бошидаёқ бозорларга ноз-неъмат чиқараётган деҳқонлар кўп. Уймовут қишлоғидан Абдураззоқ Муҳамадиев 35 сотих ердан 1,2 миллион сўм, Ўтамайли қишлоғидан Улуғбек Жуманазаров 50 сотих ердан 2,5 миллион сўм, Пахтаобод қишлоғидан Муқаддам Умарова 3 сотих ердан (қулупнай экиб) 1,8 миллион сўм даромад олишди. Бу йил ҳам тонна-тонналаб турфа хилдаги эртаги сабзавотлар эрта-индин савдога чиқа бошлади.

— Меҳнат — ҳаёт қувончи, тирикчилик воситаси. Ҳукуматимиз янги иш ўринлари яратишда бандлик масалалари ечимига катта эътибор қаратаётган бугунги кунда аҳолиси 300 минг кишига етаёзган ва саноат корхоналари кам, иқлим шароити ҳам бир мунча мураккаб Чироқчи туманида етти йилга мўлжалланган алоҳида дастур тузилган. Унга кўра, деҳқон хўжаликларини кўпайтириш ва уларга етарли миқдорда кредит ажратиш ҳамда аҳолига серҳосил сабзавот уруғлари етказиб бериш каби қатор долзарб юмушлар кўзда тутилган. Масалан, ўтган йили 1596 гектар ер ажратиб, 456 та деҳқон хўжалиги тузилган бўлса, бу йил улар сони 1200 тага кўпайди. Демак, янги, қўшимча иш жойлари очилди. Айрим ҳисоб-китобларга кўра, ана шу деҳқон хўжаликлари ўтган йили 4 миллиард сўмдан ошиқ даромад олишди. Бу йил эса хомаки ҳисоб-китобларга қараганда, бу рақам 7-8 миллиард сўмдан кам бўлмаса кераг-ов.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Суратда: *туманнинг Дам қишлоғилик Қурбон Аҳмедов ўз иссиқхонасида.*

ЗАМОНАВИЙ МАКТАБЛАР

Фарғона вилоятида «2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури»га мувофиқ 10 та янги мактаб қурилиши режалаштирилган. Ўтган йилларда Қува, Ёзёвон туманлари ҳамда Марғилон шаҳрида янги мактаблар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Хусусан, Фарғона тумани Хонқиз қишлоғидаги 51-умумтаълим мактабида катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. 210 ўринли қўшимча бино, спорт зали барпо этилди. Замонавий андозалар асосида қурилган масканда ёшларнинг билим олишлари, спорт машғулотларида чиниқишлари учун барча шароитлар яратилди.

Жорий йилда эса Чимён қишлоғида 315 ўринга мўлжалланган янги 31-умумтаълим мактаби биноси қад ростламоқда. Шу пайтгача бу ерда бир миллиард сўмликка яқин бунёдкорлик ишлари бажарилди. Янги мактабда замонавий спорт зали ҳам бунёд этилаётир.

— Дастурга мувофиқ туманимиздаги 61 та умумтаълим мактабининг барчасида капитал реконструкция, капитал таъмир ва жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилади, — дейди туман халқ таълими бўлими мудири Насибахон Аҳмедова. — Ўтган ўқув йиллари давомида 10 та мактаб мукаммал реконструкция ва жорий таъмирдан чиқарилди. Жорий йилда эса битта янги мактаб қурилиши, 9 та мактабда кенг кўламли реконструкция ва таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Суратларда: мактабнинг умумий кўриниши; информатика дарсида.

Ш.ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар.

КОМПЬЮТЕР ЖИҲОЗЛАРИ ТАҚДИМОТИ

Куни кеча республика таълим марказида ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси томонидан Қорақалпоғиқстон Республикаси халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳри ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари метод марказларига компьютер техникалари тақдим этилди. Бу эса Халқ таълими вазирлигининг ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда амалга оширилаётган «Болага дўстона муносабатдаги мактаб» дастури доирасида қўлга киритилган самарали малака ва тажрибаларни умумий ўрта таълим мактабларида оммалаштириш, кенг амалиётга татбиқ этилишини ташкил қилиш, таълим тизимининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Тақдимот маросимида ХТВ бош бошқармаси бошлиғи Бахтиёр Дониёров, республика таълим маркази директори Ислом Зокиров, ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Реза Хоссайни иштирок этдилар.

Маъмуржон МАҲМУД

❖ Хушхабар

БУХОРОЛИК ПИЛЛАКОРЛАР

Мамлакатимизда биринчи бўлиб «қумуш тола» етиштириш бўйича шартномавий режани бажардилар

Жами 50 минг қути қурт уруғидан ҳозиргача 2750 тонна сифатли пилла ҳосили териб олинди.

Вилоятнинг Вобкент, Олот, Бухоро, Ромитан, Қоракўл, Шофиркон, Ғиждувон, Пешку туманларида, айниқса, юксак натижаларга эришилди: ҳар қути қурт уруғидан ўртача 57 килограммдан ҳосил олинди.

Етиштирилган пилла «Хвашен», «Ромстар» қўшма корхоналари ҳамда «Ромитантола» корхонасида қайта ишланиб, хорижбоп ипак тайёрланаяпти.

Вилоятда пилла терими давом этмоқда.

Даврон БАҲРОНОВ

❖ Тадбир

КУН ТАРТИБИДА — АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИ

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида аудиторлик фаолияти масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди

Унда аудиторлик хизматига қўйилаётган янгича талаблар, соҳа самарадорлигини ошириш йўллари, аудиторлик ташкилотлари ваколатлари, вазифа ва масъулияти ҳақида гап борди. Шунингдек, аудиторлик фаолиятининг янги турлари, аудиторлик ташкилотлари раҳбарлари ва аудиторлар аттестацияси (шаҳодатлаш)ни ўтказиш тартиблари, аудиторлик фирмаларига лицензиялар беришдаги ўзгаришлар ҳамда аудиторларнинг касбий сертификатларига қўйилаётган талаблар тўғрисида ҳам маълумотлар берилди.

Тадбирда Ўзбекистон Бухгалтерлар ва Аудиторлар Миллий Ассоциацияси, Молия вазирлиги, Аудиторлар Палатаси ҳамда Самарқанд вилояти бухгалтерлар ва аудиторлар Ассоциацияси вакиллари, институт олимлари, профессор-ўқитувчилари, вилоятдаги аудиторлик фирмаларининг раҳбарлари, тадқиқотчилар ва талабалар иштирок этдилар.

Тадбир якунида институт олимлари томонидан аудиторлик фаолиятини янада ривожлантиришга йўналтирилган қатор таклифлар берилди.

Ҳасан МУСАЕВ

❖ Умумжаҳон Метрология кунига бағишлаб

САНОАТИМИЗ ХАВФСИЗЛИГИ ҲИМОЯСИДА

Бугун Тошкентда «Путур етказмайдиган текшириш — сифат тизимининг муҳим элементи» мавзуида республика илмий-амалий анжумани ўз ишини бошлайди. Умумжаҳон Метрология кунига бағишланган, Атом энергияси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ), Россия, Украина, Қирғизистон мутахассислари ва экспертлари иштирокидаги ушбу анжуман «Ўзстандарт» агентлиги ва Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш — «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси томонидан ташкил этилган.

Анжуман арафасида «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси Техник кўмаклашиш ва хизмат кўрсатиш марказининг директори Иброҳим ТОШКЕНТБОЕВ «Ўзбекистон овози» мухбири билан суҳбатда қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Инсон фаолиятида, айниқса ишлаб чиқариш соҳасида путур етказмайдиган текшириш усулларини қўллаш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, путур етказмайдиган текшириш маҳсулотлар мустаҳкамлиги ва сифатини оширишга имкон беради ва янги, мураккаб ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга, шунингдек, замонавий технологик жараёнларни жорий этишга кўмаклашади.

Анчайин хавфли объектлар авиация техникаси ва транспорти, босим остида ишловчи сиғимлар, қувурлар тармоғи, электр тармоқлари, кўприклар, бинолар ва иншоотларнинг таянч конструкциялари кўтарма қурилмалар, темир йўллар ва бошқа объектларнинг сифати ҳамда хавфсизлигини текшириш чоғида путур етказмайдиган текшириш алоҳида аҳамиятга эга. Бундай объектларнинг путур етказмайдиган даврий ишончли текшируви уларнинг хизмат муддатини оширади, энг муҳими — эҳтимолий техноген авария (фалокатлар) ва нохуш ҳодисалар олдини олишга имкон беради. Шу боис, хавфли ишлаб чиқариш иншоотларида саноат хавфсизлиги бошқарувининг самарали тизимларини шакллантиришни таъминловчи шарт-шароитларни яратиш — мамлакатимиз ҳукумати ва парламенти кўмагида «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси фаолиятининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Ушбу иш якунлари бўйича 2006 йилнинг 28 сентябрида мамлакат Президенти Ислом Каримов томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуни имзоланганди, у мустақил ҳуқуқий тармоқ сифатида саноат хавфсизлигини шакллантириш ва ривожлантиришга асос бўлди.

Саноат хавфсизлиги, мазкур қонунда белгиланганидек, шахс ва жамият ҳаётий муҳим манфаатларининг хавфли ишлаб чиқариш объектларидаги аварияларга ва нохуш ҳодисалардан ҳамда уларнинг оқибатларидан ҳимояланганлик ҳолати юзага келадиган техноген таҳдидларга қарши курашда бош омил дир. Равшанки, хавфли ишлаб чиқариш объектларида саноат хавфсизлигини таъминлашнинг энг муҳим вазифаси — улардаги асбоб-ускуналар техник ҳолатининг мониторинги ҳамда нохуш ҳодисалар рўй беришига илк босқичлардаёқ йўл қўймаслик ҳисобланади. Шу ўринда путур етказмайдиган текшириш усулларини қўллаш асқотади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги (2007 йил 14 март) Фармони иқтисодиётнинг барча тармоқлари корхоналари асбоб-ускуналарини тубдан янгилаш учун қулай шароитлар яратади. Бу эса ўз навбатида корхоналарни юқори сифатли, рақобатбардош, экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминловчи замонавий серунум асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга, хавфли ишлаб чиқариш объектларида техник ҳолатни яхшилашга ва уларда саноат хавфсизлиги даражасини оширишга кўмаклашади.

МАГАТЭнинг Ўзбекистон Республикасида путур етказмайдиган текшириш тизимини қарор топишидаги ролини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ керак. Мамлакатимизнинг турли объектларини техник ва методологик, шу жумладан путур етказмайдиган текшириш воситалари билан жиҳозлаш бўйича хилма-хил дастурлар махсус тизимли ва режа асосида амалга оширилмоқда. МАГАТЭ ва Кимёвий қуролларни тақиқлаш бўйича ташкилот (ОЗХО) ҳамда бошқа халқаро идоралар ходимларни путур етказмайдиган текшириш соҳаси бўйича ўқитиш ва малакасини ошириш юзасидан катта ёрдам кўрсатмоқда.

«Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси МДҲ мамлакатлари билан ҳам путур етказмайдиган текшириш соҳасида муайян ишлар олиб бормоқда.

МДҲга аъзо мамлакатларнинг давлат техник ва кон назорати органлари томонидан «Путур етказмайдиган текшириш ва техник ташҳис бўйича ишлар натижаларига ўзаро ишончни таъминлаш учун шароитларни яратиш тўғрисида» Битим имзоланди. Битимнинг асосий мақсадларидан бири савдодаги техник тўсиқларни тугатиш ва МДҲга аъзо мамлакатларнинг Умумжаҳон савдо ташкилоти (ВТО), Евроосиё Иқтисодий ҳамжамияти (ЕврАзЭс), Кўнгилли коллектив хавфсизлик ташкилоти (ОДКБ) каби халқаро ва минтақавий ташкилотларга кириш шароитларини таъминлаш учун техник талаблар ҳамда регламентларни тегишли халқаро қоидалар ва стандартлар билан уйғунлаштиришга қаратилган.

Олдимизда турган вазифалардан яна бири — мамлакат интеллектуал ва ишлаб чиқариш кучларининг илмий-техник тараққиётни жадаллаштириш йўлида кооперациялашувига, шунингдек, саноат буюмларининг сифати ва мустаҳкамлигини ошириш муаммоларини комплекс ҳал этиш учун халқаро алоқалар ва ҳамкорликни фаоллаштиришга кўмаклашишдан иборат. Путур етказмайдиган текшириш бўйича жамоатчилик бирлашмасини тузиш — путур етказмайдиган ва унинг барча аъзолари ижодий фаоллигини мувофиқлаштириш, илмий ҳамда профессионал (касбий) қизиқишларини қондириш учун самарали минбарга айланган бўларди.

Шак-шубҳасиз ҳалқ хўжалигининг турли тармоқларида путур етказмайдиган текшириш усулларини қўллаш соҳасида олдимизда турган биринчи навбатдаги ва стратегик вазифаларни муваффақиятли ҳал этамиз ва мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ва жўшқин ривожланишига ўз ҳиссамизни қўшамиз.

Алишер РЎЗИЕВ ёзиб олди.

Суратда: *«Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси Техник кўмаклашиш ва хизмат кўрсатиш марказининг етакчи мутахассиси, иккинчи даражали дефектоскопчи А.Ластовецкий пўлат баллонларни ультратовушли текширувдан ўтказмоқда.*

ОФТАЛЬМОЛОГИЯНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга йўналтирилган соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотлар бугунги кунда офтальмология соҳасида ҳам ижобий самара бермоқда. Халқаро Ҳамкорлик марказида куни кеча «Офтальмологиянинг долзарб масалалари» мавзуида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, Республика офтальмологлар жамияти ҳамда Республика кўз касалликлари клиникаси томонидан ташкил этилган мазкур халқаро анжуманда МДҲ мамлакатлари, шунингдек, АҚШ, Англия, Германия, Финляндия, Ҳиндистон сингари мамлакатларнинг етакчи офтальмологлари иштирок этдилар.

Тадбир қатнашчилари Осиё минтақасидаги долзарб муаммо — инсон кўриш қобилиятининг заифлиги, глаукома ҳамда кўз касалликларининг бошқа турларидан азият чекаётган беморларга ташҳис қўйиш, юқори малакали ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатиш, хасталикнинг олдини олишнинг замонавий услублари хусусида ўзаро фикр алмашдилар.

— Мамлакатимиз мустақилликка эришган илк дамларданоқ ижтимоий соҳалар, жумладан, соғлиқни сақлаш тизимига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда, — деди соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Абдуҳаким Ҳожибоев.

Сафар НАЗИРХЎЖАЕВ,
Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг академик Фёдоров номидаги «Кўз микрожарроҳлиги маркази» (МНТК ФГУ) бош директор ўринбосари:

– Ўзбекистонда офтальмология соҳасига берилаётган эътибор, амалга оширилаётган ишлар ўрнак олса арзигули. Айниқса, Республика ихтисослашган кўз микрохирургияси марказининг ишга туширилгани, у ерда беморлар учун яратилган шароит ва жаҳон стандартларига мос тарзда тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган ҳар қандай мураккаб жарроҳлик ишларини ҳам амалга ошириш имконини беради.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда мамлакатимизда ривожланиб бораётган жарроҳлик усули, яъни инсонда кўзнинг шишасимон танасига қон қуйилиши ва тўрпардасига зиён етиши туфайли кўрмай қолиши ҳолларида қўлланиладиган витреоретинал жарроҳлик усули Марказий Осиё офтальмологларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Тадбир доирасида офтальмология кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

Наргиза ПИРНАЗАРОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири

МАХФИЙ МАЪЛУМОТЛАРНИ ЙЎҚОТИШДИ

Япония ҳарбий денгиз кучлари Американинг ракетага қарши мудофаа тизимига оид махфий маълумотларнинг ошкор бўлишига йўл қўйган. АР агентлигининг хабарига қараганда, денгизда жойлаштириладиган «SM-3» ракеталари ва «Aegis» аниқлаш тизимларига оид ушбу маълумотлар ҳозирча номаълум сабабларга кўра ҳарбий денгиз академияси тинчловчиларининг қўлига тушган.

АҚШ махсус хизмати вакиллари кирган махсус тергов гуруҳи Америка ва Япония ҳарбийлари ўртасида шошилинч ахборот алмашиш учун тузилган «Link 16» деб аталувчи тизимга оид маълумотлар ҳам ошкор бўлганлигидан бохабар. 2007 йилнинг март ойида илк бор бу ҳақда хабар қилинганди. Ушанда муҳожирлик қонунчилиги бузилиши бўйича тергов ўтказаётган полиция ҳарбий денгиз зобитларидан бирининг уйидан тасодифан махфий маълумотлар ёзилган дискларни топган эди. Япония мудофаа вазири бу иш ҳақида ҳеч нарса билмаслигини айтган. Хукумат аъзолари ҳам шу хусусда оғиз очмаяпти.

ҲУКУМАТГА ҚАРШИ ФИТНАДА АЙБЛАНДИ

Эрон маъмурлари май ойи бошида Америка фуқароси Халех Эсфандиёрийни ислом республикаси ҳукуматини ағдариш мақсадида фитнани ташкил этишда айблаб, Эвин қамҳонасига ташлаган, деб ёзади «The Jerusalem Post» газетаси. Эрон телевидениеси орқали берилган Разведка ва хавфсизлик вазирлигининг баёнотида айтилишича, Эрон фуқаролигига ҳам эга бўлган Халех Эсфандиёрий Вудро Вильсон номидаги марказнинг бошқа ходимлари билан биргаликда давлат мустақиллигини қўпориш учун «махфий шохобча»ни тузишга уринган.

— Бу — анъанавий, жозибадор америкача усул бўлиб, у давлатга аста-секин путур етказишга қаратилган, — дейилади баёнотда.

Маълумки, Халех Эсфандиёрий Вудро Вильсон номидаги марказда Яқин Шарқни ўрганиш бўйича дастурга бошчилик қилаётганди. Бу аёл май ойи бошида ҳибсга олинди. У билан бирга яна икки америкалик аёл ҳам ушланган. Улардан бири Парноз Азима АҚШ молиялаётган «Фарда» радиостанциясининг ходими эди.

БОШ ВАЗИР: МЕНИ ЗАҲАРЛАМОҚЧИ БЎЛИШДИ...

Қирғизистон Бош вазири Олмосбек Отомбоев парламентнинг сешанбадаги мажлисида уни заҳарламоқчи бўлишганини айтган. Унинг сўзларига кўра, 11 май куни ўз хизмат хонасида бир стакан сув ичгач, ҳушидан кетган. «Шундан кейин икки кун беҳуш ҳолатда бўлдим. Заҳарланиш бўлганини биламан», — дея қўшимча қилди ҳукумат бошлиғи.

Ҳафта мобайнида шифокорлар унинг қонини тозалашган. Мажлисдан сўнг журналистлар саволларига жавоб берган Бош вазир ҳозир ўзини дуруст ҳис этаётганини айтган. У шунингдек, ўз лавозимидан «ҳеч нарсага, шу жумладан суиқасд уринишига қарамай асло кетмаслигини» таъкидлаган.

Айни чоғда парламентдаги манбанинг айтишича, Отомбоев Қирғизистон жанубидан сафардан қайтгач ўзини ёмон ҳис этган, деб хабар қилади «Интерфакс». «Эҳтимол унда одатий овқатланишдан заҳарланиш бўлиши мумкин, чунки сафарлар давомида ўзингга ёқмаган овқатни ейишга тўғри келади», — деди манба. Ўз навбатида Қирғизистон парламенти спикери Марат Султонов Отомбоев билан рўй берган ҳодисада заҳарлаш бўлганлиги ҳақида гапириш эрта эканлигини айтган. У Бош вазирни заҳарлашга уриниш ҳолати юзасидан парламент суриштирув ўтказишини таъкидлаган.

«ДУНЁ ТОМИ»ДАН ТУРИБ

Британиялик альпинист Род Бэйбер ўзига хос рекорд ўрнатди. У «дунё томи» – Эверест чўққисини забт этиб, ўша ернинг ўзидан телефон орқали яқинлари билан гаплашишга муваффақ бўлган.

Альпинист денгиз сатҳидан 8848 метр баландликдаги чўққида туриб, кучли шамол ва ўттиз даражали совуққа қарамай, уяли телефон орқали яқинларига атрофдаги манзара ҳақида сўзлаб берган. Бундай ҳолат тарихда ҳали кузатилмаган эди.

ҲАРАКАТ ТЎХТАТИЛДИ

Украинада ҳаво исиб кетиши сабабли оғир юк ташувчи автомобилларнинг ҳаракати тўхтатилди. Бу ҳақда мамлакат ички ишлар вазирлиги хабар тарқатди.

Маълумотларга қараганда, кундузи оғирлиги йигирма тўрт тоннадан юқори бўлган машиналарнинг юриши таъқиқланган. Бу чора йўллар равонлигини сақлаб қолиш зарурати билан изоҳланмоқда.

❖ Орамиздаги одамлар

ОБОД ЕР, ОБОД БОҒ ҚОЛСИН

Инсон куч-қудрати олдида тоғлар тиз чўкади, деганлари рост экан. Ғовва қишлоғи қирларининг бундан ўттиз йилча илгари бор-йўғи 17 гектаригагина сув чиқарди. Бугунги кунда эса ўзлаштирилиб, обиҳаёт етиб келган жойлар оз эмас, кўп эмас, 200 гектардан ошибди. Узоқ йиллар шу ҳудудда бригада бошлиғи бўлиб ишлаган Дагарвой аканинг асосий ҳаёти ана шу қўриқ ерларни ўзлаштиришга бош-қош бўлиш билан ўтган.

— Ҳу-вв анов адирларни кўраяпсизми, — узоқдаги тепаликка ишора қилади отахон. — Ўша ёқларга ҳам, худо хоҳласа, сув чиқараман...

У киши билан гаплашсангиз нуқул деҳқончилик, боғбончилик ҳақида гапиради. Олманинг навлари, ўрикнинг фойдаси ҳақида соатлаб гап уқтиради. Ёнғоқ дарахтига қандай парвариш керак, шафтолидан қанақа қилиб мўл ҳосил олинади, токни қачон эккан маъқул — барибари ҳақида Дагарвой акадан маслаҳат олаверасиз. Тинибтинчимас бу инсон билан суҳбатлашсангиз уни гўёки ҳар бир дарахтга жавобгар, қирадирларни ўзлаштириш, сув чиқаришга масъул экан, деб ўйлайсиз. Беихтиёр 10-15 сотих томорқасини тикан бостириб, «иш йўқ, пул йўқ» деб юрганлар кўз олдингизга келади.

Қизиқ ҳолат: 70 ёшли чол. Қаҳратон қишда ҳам иссиқ уйида ўтирмай даласи ёнида. Қўлида ё кетмон, ё паншаха. Фикри хаёли боғ, қир-дала билан банд.

...Бундан икки йилча аввал у кишининг бошидан бир қизиқ ҳолат-воқеа ўтди. Яъни жиноят ишлари бўйича Поп туман судининг 2005 йил 7 октябрдаги қарорига кўра, Дагарвой Соаталиев 0,30 гектар ортиқча ерга олма боғи барпо қилган бўлсада, бу ҳақдаги маълумотларни тегишли ташкилотларга бермаганлик ҳамда ўғиллари Муҳиддин ва Музаффарларга ўзбошимчалик билан ер эгаллаб, уйжой қурганлик ҳолатлари бўйича ҳуқуқбузар, деб топилган экан. Бу ҳам етмаганидек, вилоятдаги иккита нуфузли газета бу ҳақда жимжимадор мақола ҳам чоп этди...

Ажабланарлиси шундаки, ортиқча ер борлигини Дагарвой аканинг ўзи ҳам билмаган. Судда айтиши бўйича, 2001 йил декабрь ойида Чуст туман ҳокимининг қарори билан «Дагарвой» номли фермер хўжалиги ташкил этилган. Қарорда унга 5 гектар ер ажратиш кўрсатилган. Бу ер эса ўзи ўзлаштирган жойдан эди ва қабул қилишда ўлчов ўтказмасдан қабул қилиб олган. Энг қизиғи, қўшни фермер билан орада низо чиқиб, у прокуратурага ариза ёзмасидан илгари ҳеч ким келиб, ўзлаштирилган ерларда ўлчов ўтказмаган экан. Масалан, «бу йил ўзлаштирилган ерлар бунча бўлди» дейилган ва шунча, деб ёзиб, ҳисоботларга қўшилган. Келгуси йил бунча ўзлаштирилди, дейилган ва ўшанча ёзилган. Ҳеч ким ўлчов таёғи кўтариб, фалон гектару, фалон сотих, фалон сантиметр экан, демаган. Ҳисоб-китоблар ана шундай тўпори тарзда бўлган. Суд эса ўлчов қилиб олинмаган ортиқча 30 сотих ер учун мана шу қирларда қарийб 200 гектарга яқин ерни ўзлаштиришга камарбаста бўлган, қолаверса, умрининг ярмидан кўпини ҳатто сув келиши эртак бўлган лалми ерларга обиҳаёт олиб келишга сарфлаган фидойи инсонни айблади. Ваҳоланки, ўша ортиқча 30 сотихни ҳам унинг ўзи ўзлаштирган эди-ку! Ер очиб, ҳаётини боғ-роғ қилишга бағишлаган ва бунинг учун ҳеч кимдан мукофот кутмаган одам 30 сотих ортиқча ерни била туриб яшириши мумкинми? Бу мантиққа сиғадими. Ўзлаштирса, ҳисоб-китобсиз экан, гектарлаб ерни ўзлаштирмасмиди?

Қарийб ўттиз йил мобайнида ўзлаштирилиб, обод қилинган қир-адирларда ҳозир 50 га яқин фермер хўжаликлари ташкил бўлибди. Демак, шахсан Дагарвой аканинг ташаббуси билан очилган ерлар туфайли бугун юзлаб оилалар дастурхони тўкин бўлди. Озми-кўпми, шундай хайрли ишга ҳисса қўшган Д.Соаталиев ўзганинг 30 сотихгина ерига хиёнат қилишини тасаввурга сиғдириш қийин. Шу ўринда яна бир қўшимча изоҳ: Дагарвой аканинг ўғиллари Муҳиддин ва Музаффарларга ер ажратиш тўғрисидаги қарор «Ғоввасой» жамоа хўжалигининг 1999 йил 28 июндаги умумий йиғилишида қабул қилинган. Унда уй-жой қуриш учун ёзилган ариза ҳамда Дагарвой аканинг 1-бригада ерларини ўзлаштиришдаги қилган катта хизматлари учун шу бригада ҳудудидаги фойдаланилмай ётган қўриқ ерлардан берилиши кўрсатилган. Уй-жой ўша ўзлаштирилмаган ерларда кўтарилган. Яъни, қишлоқдан ҳув узоқликда.

Аслида баъзиларга ана шу жойдан уй қуриб, совға қилиб берилса ҳам бормаслиги мумкин. Тўғри-да, асфальт, сув ёки газ ўтмаган, овлоқ жойга боришни ким ҳам хоҳлайди, дейсиз. Айниқса, қиш пайтлари балчиқ йўлларда юришнинг ўзи бўладими? Такрор бўлса-да, айтиш лозим, Дагарвой ака ўғилларига уйни ўзбошимчалик билан эмас, қишлоқдошларининг, жамоа аъзоларининг рухсати билан қурган. Суд эса мана шу ҳолатларга эътибор қилмай, ўзи ўзлаштирган ерлари учун бир инсонни юқоридаги каби ҳуқуқбузарликда айблади.

Тўғри, унинг хатти-ҳаракати қонунга зид бўлиши мумкин: 30 сотих ер ортиқча чиққани — факт, ўғилларига туман ҳокими қарори чиқмасдан уй-жой солгани ҳам — факт. Лекин, бундан кимга зиён етказилди? Қандай оғир оқибатлар келиб чиқди? Кимга моддий зарар етди? Ёки юқорида таъкидлаганимиздек, у ҳақиқатан ҳам ўзбошимчалик билан ер эгаллаб олганмиди?.. Ер учун ширкат раиси ёки қишлоқ фуқаролар йиғини қарори етарли деб юрганлар озми?

Саволлар кўп... Тўғри, қонунни билмасдан қилинган жиноят кечирилмайди. Аммо, инсонийлик мезони-чи?.. Яна бир гап. Нега унда ўз ташаббуси билан Чустнинг тоғ-тошли қир-адирларига минг машаққату азоблар эвазига обиҳаёт олиб келгани учун унга жазо бермаймиз? Айтинг, Дагарвой акага ўхшаб ўзини эмас, ўзи яшаётган ҳудуд ободлигини ўйлаб фидойилик кўрсатаётганлар орамизда кўпми? Афсуски, кам.

Биз бу ўринда Дагарвой акага ён босиш фикридан йироқмиз. Ҳеч ким қонун-қоидага терс қараш ниятида ҳам эмас. Фақат масаланинг бир жиҳатини айтмоқчимиз. Юқоридаги ҳолатда инсонийлик мезони, одамгарчилик каби тушунчаларга ҳам эътибор қаратилиши керак эди.

Яқинда йўлимиз тушиб, Дагарвой акани бирров кўриб ўтмоқчи бўлдик. Ғоввага бориб у кишининг уйини суриштиришимиз билан кўпчилик «уйига эмас, даласига боринг» деб маслаҳат берди. Тўғриси, ўзимизнинг устимиздан ўзимиз кулдик: қишда уйидан тополмаган одамни иш қизиган шу кунларда уйда бўлади, деб ўйлаганимизни қаранг!

Отахон қадрдон қир-адирлари бағрида экан. Ўтган дилхираликларни унутгандай, лекин руҳи тетик. «Ким нима деб ёзса-ёзсин, яна ер очиб, сув чиқараверамман» дейди кулимсираб. У кишидаги руҳий тетиклик, кўтаринкилик сабабларини қирдаги ям-яшил далаларга қараб, тушунгандай бўлдик. Ўзлаштирилган ерлар — унинг ҳаёти мазмуни. Атрофида шунча обод ерлар бор. У шунга суянади, мана шулардан руҳ олади. У киши учун бир-икки дилхираликларнинг юки ўзлаштирилган ерлардаги бир сиқим тупроқ завқидан кейин унут бўлади. «Одамдан ғийбат, фасод эмас, обод ер, обод боғ қолади. Сен кетгандан сўнг мана шу қир-адирлар ва шовуллаб турган боғлар кимлигинг, нима ишлар қилганлигинг ҳақида келганларга сўзлаб беради», — дейди Дагарвой ака самимий оҳангда.

Акбар ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

❖ Спорт

ПОЙТАХТ КИЧИК ОЛИМПИАДАГА ТАЙЁР

Шу йилнинг 20-24 июнь кунлари пойтахтимизда республика олий таълим муассасалари талабаларининг «Универсиада — 2007» мусобақалари финал босқичи ўтказилади

— Бу мамлакатимиз талабаёшлари ҳаётидаги тўртинчи «Универсиада» мусобақалари, — дейди Республика «Талаба» спорт уюшмаси ижрочи директори Турғун Холдоров. — Бунгача Наманган (2000 йил), Бухоро (2002) ҳамда Самарқанд (2004) вилоятларида уюштирилган баҳсларда талаба-спортчилар ғолиблик учун баҳс юритишганди. Йиллар давомида аввало юртимизда спортни янада оммалаштиришга, соғлом турмуш тарзини шакллантиришга, ёшларимизда ирода, мардлик ва матонат каби фазилатларни камол топтиришга хизмат қилиб келаётган «Универсиада» мусобақалари бугун чин маънода талабаларимизнинг катта спорт байрами мақомини олиб улгурган. Бу йилги беллашувларнинг финал босқичида Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан саралланган 1946 нафар энг кучли ва абжир йигит-қиз спортнинг ўн икки тури бўйича ғолиблик учун кураш олиб борди.

«Универсиада — 2007» баҳслари арафасида кўплаб олий таълим муассасаларида янги-янги спорт мажмуалари барпо этилди, эскилари қайта таъмирдан чиқарилиб, замонавий спорт анжомлари билан таъминланди.

Мамлакатимиз Президентининг «Ўзбекистон олий таълим муассасалари талабаларининг «Универсиада — 2007» спорт мусобақаларини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига асосан пойтахтимизда баҳсларнинг республика финал босқичига пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Мусобақаларнинг асосий қисми Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент Тиббиёт академияси, Тошкент давлат техника университети, Тошкент темир йўл муҳандислари институти, Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолияти миллий банки спорт мажмуалари ва стадионларида ўтказилиши кўзда тутилган. «Универсиада — 2007» баҳсларининг очилиши ва ёпилиши тантаналари Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолият миллий банки спорт мажмуида бўлиб ўтади.

— Ёшларимизнинг ўзига хос катта спорт байрами арафасида «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида жуда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди, — дейди шаҳарча ҳокимлиги матбуот котиби Назира Ҳамроева. — Жумладан, ЎзМУ ҳудудида бунёд этилган сув спорти саройида келгусида нафақат ёшларимиз жисмоний чиниқишлари, балки бу ерда йирик халқаро мусобақалар уюштирилиши мумкин. Тошкент давлат техника университети ҳудудидаги сув ҳавзаси ҳамда замонавий спорт мажмуалари ҳам талабаларимизнинг севимли масканларига айланиши, шубҳасиз. Айни пайтда сўнгги пардозлаш ишлари олиб борилаётган янги стадион Тошкент Тиббиёт академияси йигит-қизлари учун ажойиб совға бўлади. Тўрт ярим минг томошабинга мўлжалланган ушбу спорт иншоотида «Универсиада — 2007» дастуридан жой олган енгил атлетика мусобақалари ўтказилади.

Мусобақа чоғида қатнашчиларнинг асосий қисми шаҳарчадаги Тошкент давлат техника ва Ўзбекистон Миллий университетлари, Тошкент давлат юридик ва молия институтларига қарашли талабалар турар-жойларида яшаши режалаштирилган. Шунингдек, спортчи-ёшлар учун Тошкент ахборот технологиялари университети ҳамда Тошкент темир йўл муҳандислари институти талабалар уйларида ҳам барча қулайликлар яратилмоқда. Бир сўз билан айтганда, мустақил Ўзбекистонимиз пойтахти кичик олимпиаданинг катта ҳаяжонлари билан яшаётир.

Эркин ХОЛБОБО,
«Ўзбекистон овози» мухбири
Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар

КИНО САНЪАТИ БАЙРАМИ

Яқинда «Ўзбеккино» Миллий агентлиги ҳамда Самарқанд вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик тўйига бағишлаб «Ўзбек миллий кино санъати кунлари» ўтказилди. Дастлаб Самарқанд давлат университетида халқимизнинг севимли кино усталари иштирокида учрашув ташкил этилди. Унда Ўзбекистон Қаҳрамони Зикир Муҳаммаджонов, кинорежиссёр Шуҳрат Аббосов ва бошқалар сўзга чиқиб, ўзбек миллий киноси тарихи, бугунги кунда яратилаётган фильмлар ғояси ва уларнинг ҳаётимиздаги тарбиявий аҳамияти ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Самарқанд Иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги 1-академик лицейда ўтказилган учрашувда эса элимизнинг таниқли артистлари ва ижодкорлари Ҳусан Шарипов, Хайрулла Саъдиев, Фаррух Соипов ва Улуғбек Қодировлар ўзбек миллий кино санъатида олиб борилаётган ислоҳотлар ва бу жараёнда киноижодкорларнинг иштироки хусусида тўхталдилар.



Шаҳардаги муҳташам Ёшлар марказига йиғилган кино санъати кунлари иштирокчиларини вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Аъзамхон Баҳромов қизғин қутлаб, ушбу маданий-маърифий тадбирнинг вилоят аҳли, айниқса, талабаёшлар ҳаётидаги ўрни беқиёслигини алоҳида таъкидлади. Шундан сўнг сўзга чиққан «Ўзбеккино» Миллий агентлиги бош директори вазифасини бажарувчи Аъзам Исҳоқов йиғилганларни катта санъат байрами билан қутлади.

Анжуманнинг иккинчи куни иштирокчилар ўз ижодий учрашувларини вилоятнинг узоқ Қўшработ, Нуробод, Пайариқ туманлари ҳамда Каттақўрғон шаҳрида давом эттиришди. Янги фильмлар намойиш этилиб, одамлар билан дилдан суҳбат қурилди.

Шунингдек, кино санъати кунлари давомида Самарқанд шаҳридаги «Шарқ юлдузи», «Самарқанд», «Шарқ клуб» каби кинотеатрларда 30 дан зиёд янги фильмлар кўрсатилди.

Шуҳрат ҚАРШИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

«ЭКОСАН» САЛОМАТЛИК ПОЕЗДИ СИРДАРЁДА

«Экосан» халқаро ташкилоти Сирдарё вилоятига 5 июнь — Жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни муносабати билан 30 миллион сўмлик навбатдаги инсонпарварлик юки ортилган саломатлик автопоездини жўнатди.

Турли кийим-кечаклар, пойабзаллар, кўрпа-тўшак ғилофлари, санитария-гигиена молларидан иборат мазкур инсонпарварлик ёрдами ижтимоий ҳимояга муҳтож ёлғиз кексалар, пенсионерлар, ногиронлар ва кўп болали кам таъминланган оилалар, мурувват уйлари ва бошқа ижтимоий соҳа муассасаларига топширилади.

Маълумки, жорий йилда «Ўзбекистон темир йўллари» — «Экосан» саломатлик поезди ҳамда автопоездлар орқали Сурхондарё, Қашқадарё, Фарғона, Наманган, Бухоро ва Жиззах вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасига жами 330 миллион сўмлик инсонпарварлик ёрдамларини жўнатди.

Бардамбек САЪДУЛЛАЕВ

BANK XALQ BANKI

Давлат-тижорат ХАЛҚ БАНКИ

ОМОНАТЧИЛАРНИНГ ТАЛАБ ВА ИСТАКЛАРИНИ ИНОБАТГА ОЛГАН ҲОЛДА НАВБАТДАГИ ЯНГИ

«МАТОНАТ», «ШОДИЁНА» ва «ФАРОВОН ҲАЁТ» омонат турларини таклиф этади.

Жамғарилувчи **«МАТОНАТ»** омонати иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари номига очилиб уларнинг пенсия пулларини ҳар ойда нақд пулсиз ўтказиш орқали қабул қилиниб, сақланиш муддатидан қатъи назар йиллик **24 фоиз** ҳисобида даромад тўланади.

Фоиз даромади ҳар ойнинг 1-санасига ҳисобланиб, омонат қолдиғига қўшилади ва омонатчининг биринчи талаби бўйича нақд пулда берилади.

Муддатли **«ШОДИЁНА»** омонатига маблағлар 3 ой муддатга йиллик **22% фоиз** даромад тўлаш шарти билан камида **100 000 сўм** миқдорида нақд пулда қабул қилинади.

Жамғарилувчи **«ФАРОВОН ҲАЁТ»** омонатига маблағлар деҳқон-фермер хўжаликлари аъзолари томонидан нақд пулда ёки ойлик маошларини нақд пулсиз ўтказиш орқали амалга оширилади, сақлаш муддати **6 ой**. **Фоиз даромади йиллик 21%.**

Омонатчининг истагига кўра хоҳлаган пайтда қўшимча бадаллар қабул қилинади.

ФОИЗ ДАРОМАДЛАРИ ҲАР ОЙДА нақд пулда берилиши ёки омонатчининг хоҳишига кўра фоиз даромадлари коммунал тўловларига ёки бошқа ҳисоб-китоб учун хизмат ҳақи олинмасдан ўтказиб берилиши мумкин.

Мазкур омонат турларига маблағлар Халқ банкининг барча филиалларида қабул қилинади.

Омонатдаги маблағларингизни биринчи талабингиз бўйича берилиши таъминланади.

Халқ банкида аҳоли омонатлари даҳлсизлиги Давлат томонидан кафолатланган!

Сизни қизиқтирган қўшимча маълумотларни қуйидаги телефон орқали олишингиз мумкин: **173-99-95.**

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

МАЙДОНДА — ШИФОКОРЛАР

Ҳаракат инсонни даволайди, умрини узайтиради. Шу маънода Тошкент Тиббиёт академияси томонидан ўтказилаётган анъанавий спорт байрами эътиборга молик. Пойтахтимизнинг «Истиқлол» спорт мажмуида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида уюштирилган навбатдаги мусобақа ажойиб спорт байрамига айланиб кетди. Унда Тошкент Тиббиёт академияси профессор-ўқитувчилари, 1-, 2-, 3-, клиника шифокорлари, академиянинг Урганч, Фарғона филиаллари вакиллари ҳамда «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги фаол иштирок этдилар.

— Инсон ўз саломатлиги ҳақида қайғуриши керак, — дейди Тошкент Тиббиёт академияси 3-клиника бош шифокори Мурод Қодиров. — Чунки, киши бемор бўлса, уйқуси бузилади, еб-ичгани татимайди, ишида барака бўлмайди. Шунинг учун ҳар биримиз соғлигимизни ўйлашимиз керак. Соғлиқни сақлаш учун биринчи навбатда бадантарбияга, спорт билан мунтазам шуғулланишга катта эътибор бермоғимиз лозим. Чиниққан, тобланган кишидан касаллик узоқлашади.

Биз ҳам шифокорларимиз соғлигини сақлашнинг энг қулай усули — спорт билан шуғулланишни одатга айлантирганмиз. Жамоамиз бу галги мусобақаларда ҳам муносиб эштирок этди. Футболчиларимиз биринчи, волейболчиларимиз эса иккинчи ўринни эгаллашди.

Спорт байрамининг финал босқичи жуда қизиқарли ўтди. Мусобақа иштирокчилари, томошабинлар ундан олам-олам завқ олишди. Тиббиёт ходимлари ғолиб бўлиш истагида майдонда астойдил ҳаракат қилганлигининг ўзи ибрат деса бўлади. Шифокорлар югуришяптими, майдонда тўп тепяптими, демак бундан бошқалар ҳам ўрнак олса арзийди. Зеро, спорт — соғлом турмуш тарзининг асосий шартидир.

Равшан ШОДИЕВ

Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган сурат

❖ Интер-спорт

Россия Президенти В.Путин хоккей бўйича мамлакат терма жамоасини Москвада ўтказилган жаҳон чемпионатидаги муносиб иштироки билан табриклади.

ПРЕЗИДЕНТ ХОККЕЙЧИЛАРНИ ТАБРИКЛАДИ

Президент жамоа бош мураббийи Вячеслав Биков, хўжумчи Александр Овечкин, РХФ президенти Владислав Третьяк ҳамда Росспорт раҳбари Вячеслав Фетисовни қабул қилди, деб хабар беради «Новости» ахборот агентлиги. «Мен натижалардан қониқиш ҳосил қилиб, мураббий ва хоккейчиларни табриклашни истардим, — деди Президент. — Бу албатта, биз кутган натижа эмас, Россиянинг умиди катта эди, аммо ажойиб ўйин кўрсатилдики бундан минглаб мухлислар қониқиш ҳосил қилдилар. Демак, мамлакатда ишончли миллий терма жамоа таркиб топган».

Бош мураббий Президент сўзига жавобан: «Йигитларимиз мардлик, шижоат кўрсатиб яхши ўйин кўрсатдилар», деди. Эслатамиз, Россия хоккейчилари жаҳон чемпионатининг ярим финал учрашувида Финландия терма жамоасига (1:2) имкониятни бой бериб, тўққиз учрашувда саккиз ғалаба билан учинчи ўринни қўлга киритдилар.

Ўзбекистон Республикасининг миллий, ижтимоий-сиёсий ва тарихий-бадиий журнали «Мулоқот»нинг обуначилари сони ва унинг тиражи кескин пасайиб кетганлиги, натижада журнал таҳририяти молиявий томондан оғир аҳволга тушиб, иқтисодий жиҳатдан ўзини-ўзи оқлай олмаётганлиги сабабли 2007 йил 15 май куни ўтказилган журнал муассислари вакиллари йиғилишининг қарорига мувофиқ

«МУЛОҚОТ»

журналини нашр этиш тўхтатилади.

Журнал таҳририяти

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги жамоаси Гулистон давлат университети қошидаги Гулистон академик лицейи директори, Ўзбекистон Қаҳрамони **Саме Саматович САМАТОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги суд-тиббий экспертиза Бош бюроси жамоаси бюронинг собиқ бўлим мудири **Баҳодир Азизович ТОЖИЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO'RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Farruh HAMROYEV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas'ul kotib 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 223-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Behzod SHUKUROV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 449
11330 nusxada bosildi
г — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 21.00
Topshirilgan vaqti — 22.00
2 3 4 5 6

Sotuvda erkin narxda